O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 29 - iyul 390-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Зафаробод туман ҳокимининг 2019 йил 28 январдаги 32- ва 85-сонли қарорларини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш ва Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 19 июлдаги 01/019-1206-сонли, Зафаробод туман адлия бўлимининг 2022 йил 5 июлдаги 1-16/15-7//774, 1-16/15-7//775-сонли, Зафаробод туман ҳокимининг 2022 йил 5 июлдаги 01-185, 01-186-сонли хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси“ Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддаси ҳамда “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 19 июлдаги 01/019-1206-сонли, Зафаробод туман адлия бўлимининг 2022 йил 5-июлдаги 1-16/15-7//774, 1-16/15-7//775-сонли, Зафаробод туман ҳокимининг 2022 йил 5 июлдаги 01-185, 01-186-сонли хатлари инобатга олинсин.

2. Зафаробод туман ҳокимининг 2019 йил 28 январдаги туманнинг “Ёрқин” ШФЙ Охунбобоев номли массиви ҳудудидаги “Мангулик Даласи” фермер хўжалигига ажратилган 45, 47, 52-контурларидаги жами 38,0 гектар, шундан 30,3 гектар сувли экин ер майдони, 4,4 гектар бўз ерлар, 3,3 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонларини туман ҳокимлиги заҳира ерлар фонди ҳисобига қайтариб олиш ва “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш” шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 32-сонли ҳамда туман ҳокимининг ҳудди шу кундаги туманнинг “Узун” ҚФЙ С.Синдаров номли массиви ҳудудидаги “Чаманзор Зафаробод” фермер

хўжалигига ажратилган 35-контурдаги жами 47,5 гектар, шундан 45,9 гектар сувли экин ер майдони, 1,6 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонларини туман ҳокимлиги заҳира ерлар фонди ҳисобига қайтариб олиш ва “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш” шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 85-сонли қарорлари бекор қилинсин.

3. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан Зафаробод туман ҳокимининг 2019 йил 1 февралдаги 438- ва 482-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вилоят Давлат кадастрлари палатаси (Н.Сидиков)га кадастр хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Зафаробод туман ҳокими (Н.Раджапов)га туман ҳокимининг 2022 йил 5 июлдаги 01-185, 01-186-сонли хатларида келтириб ўтилган хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш ва натижаси юзасидан вилоят хокимлигига ахборот киритиш ҳамда манфаатдор томонларни хабардор қилиш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари О.Ашурматов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**